

Нигина НИЁЗ

Амфибия

∞
КУЕВ



НИГИНА НИЁЗ

АМФИБИЯ КУЁВ

Ҳикоя ва қиссалар

Тошкент–2013

*Берувчи қўл олувчи
қўлдан юқори туради!*

ПРОКАТГА КУЁВ КЕРАКМИ?!

Новвот бола ёхуд синиб тушган пайпоқ ҳусусида...

Қуёш чиқиб безрайди. Йўқ, балога ачинадими? Шуям кечаси ухламади, пича ётақолсин, демади. Пешонамга тўппонча тирагандай безрайди. Турсанг ҳам шу, турмасанг ҳам. Менам без бўлиб, қўлим билан атрофни пайпасладиму (қўзимни очишга эриниб), кафтимга илинган нарсани юзимга босаманми? Уф-фо... нима балони ёпган эканманки, ўқчиб йўталворсам-да! Анов, Ботир бақалоқнинг пайпоғи шекилли-да, сассиқлигини кўринг...

Жўраларим бу пайтда ишга шошиб, шошгандан шошиб, апир-шапир чой ичишарди.

– Вей, пайпоғингни ювсанг бир бало бўласанми, ипириқчи! Сассиғидан заҳарланиб ўлай дедим-а! – бақалоққа қараб бақирдим мен.

У бўлса, нон кавшаб туриб менга ғашланиб қаради. Тўнкарилиб ётгани етмагандай, яна нима деб чийилляпти, бу олифта, дегандай энсаси қотди.

– Бир чеккада турганди-ку, ҳеч кимга ҳалақити тегмай. Нимага ҳидлайсан, эс-песинг жойидами! – деди у.

– Ие?! Ҳалақити тегмаса ювмаслик керакми?

– Ғашинг келса, ювиб қўй! Ман қаршимасман, – деди у ғўдайиб. Бу гапига қотиб қолибман. Бор-йўғи бетон ташийди-я, керилишини кўринг, министрдай.

– Тинчликми, бой ота! – дедим мен ҳам кесатиб. – Пул олганмисиз, дейман. Сассиқ пайпоғингизни ювишга Сураждан бошқа одам қуриб қолганмиди?!

– Энди... – деди у доно чолдай салмоқланиб – Бекорчидан худо безор. Бекор юрмай... савоб ол дейманда. Мискинларнинг пайпоғини ювиш икки карра савоб. Хотин бола-чақаси узоқда қолганларни овутиш уч карра савоб. Олтин олма, дуо ол дейишган, истудент. Шу санга айтсам, битта истудентнинг пайпоғи кирланиб қотиб кетганидан синиб тушган экан. Бизики уни олдида оҳори тўкилмаган-ку ҳали.

Унга ўшшайдиму кўрпани бир тепиб ўрнимдан турдим. Алалхусус, шу баркашдай офтоб ҳам пешонамга тўппонча тираб ўрнимдан турғазолмаётганди. Сассиқ пайпоқ эса... Ўз-ўзимдан ирганиб, ҳовлига чиқдим-да, юз-қўлимни икки-уч қайта совунлаб ювдим. Бу пайтда ановлар мени мазаҳ қилиб қарсиллаб кулди. Мен бўлсам тумшайганча дастурхонга келиб ўтирдим.

– Иштаҳаниям расво қилдинг! – ҳамон аламзадалик билан дедим мен.

– Қўёвур, бизга эконоом бўлади! – деди бақалоқ пинак бузмай. Улар

дастурхонга фотиҳа ўқиб, ишга кетишди.

– Чой ичиб бўлиб йиғиб қўясан! – деди Рустам сатанг ортига ўгирилиб. – Қара, пашша талаб ётмасин, – уқтирди у яна.

– Ичмайман, – дедим тихирлик қилиб, – кўнглим айнаб кетяпти...

– Ие, унда ўша пайпоқни ҳар куни ҳидла! – гашимга тегди Рустам. Ановлар яна шарақлаб кулишди. Мен бўлсам уларнинг ортидан кўйлакними, шимимними олиб отдим: – Йўқолларинг тезроқ. Бир ухласам ўзимга келволаман.

Бу йигитлар билан ижарада бирга турамиз. Ботир Тўйтепадан келган, иккита боласи бор. Адҳам Бўкадан, яқинда уйланмоқчи. Девдай гавдали, ортиқча гапирмайдиган, «қўрқинчли» бола. Керак бўлса мени ювилган кирдай силкитиб, дорга ёйиб қўяди. Тўртинчиси,

анов сатанг, Рустам достон. Яхши кўрган қизи бор. Ўзиям келишган йигит. Мандан чиройли эмас-ку, лекин... қизлар кўрса, жим кетолмайди. Катта хотинларам «бунча асал бу бола» деб юзини бир чимдим қўйишади. Телефондан бўшамайди. Танишган қизларининг исми эсидан чиқиб қолавуради. «Сиз ким эдингиз?» деб сўраб билиб олади, уялмаган. Каминага келсак, Рустамни ярим йўлда қолдириб кетадиган даражада чиройлиман. У асал бўлса, биз навотмиз. Димоғ-фироғ ҳам шунга яраша. Ҳаётдаги шиорим: «Калласи ишлаганнинг қўлоёғи ишламаслиги керак!» яъни, қора меҳнат қилмайди, демоқчиман. Аммо... унда-бунда настренам бўлса, ишга чиқаман. Қанақа иш бўларди, мардикорга-да! Отанамга... ўқишга кирдим, деганман. У ёқда байрам...

– Ҳа, баччағар, – дедилар отам хурсанд, – Маладес, ота ўғил, аканг қарағайди ўғли! – дедилар тилпонда. – Қанақа ўқишга кирдинг, Сирож? Қарангки, буёғини ўйламабман. Билганимни айтовурдим.

– Халқ унвирситига, ота! – дедим тушунтиргандай бўлиб. – Инжинир бўп чиқаман.

– Қанақа инжинир? – сўрадилар отам, биров саволга тутса, уялмайин деб.

– Инжинир, ўзи битта бўлади, шунақа инжинир! – дедим ақллилик қилиб.

– Э, ҳа, анов мошинни биладиганми?

– Шуннай, шуннай! – тасдиқладим мен, – инжинир ҳамма мошинни биловради.

– Вой, маладес-ей! Сан биззи ўйлама, пулдиям ўйлама... Ана бешта сўқим боқиб қўйибман. Пул тўлайдиган ўқишми, тўламайдиганими? – сўради отам.

– Э, ота, маники текин. Бужет, дегани бўларкан. Яхши ўқиганларни олади. Ман шунақасига кирдим.

– Холпош... бунийни гапини эшиттийми? – телефонда отамнинг бақирганлари эшитилди. – Тикинига кирибди. Ҳа, аканг қарағайди, ўғли! Қўни-қўшнини чақириб бир

худойи қиладиган бўпмиз. Сирож келса, оёғига битта қўчқорди юмалатамиз, хотин! Унвирситга кириш ҳазил бўптими?!

– Бунча уринманг ота! – дедим мулойимлик билан.
– Қўчқорди... тўйга асраб қўяқолинг, – дедим уялгандай бўлиб.

– Вой, баччағар-ей! – кулди отам. Кейин бирдан бақариб берди.

– Ҳой, ярамас, хотинди ўйлама энди. Ўқишингни ўйла, хумпар! Телефонда бўлсаям, отамнинг овози қулоғимни тешворай деди. Қўрққанимдан: – Хоп, ота! Хоп дедим-ку! – деб юборибман.

– Ҳе, аҳмоқ! Тили чиқмай хотинди ўйлайди, булар. Уйланиш санга ўйинми? Яна шаҳарлик қиз-пизди бошини айлантриб юрмагин-а! Нақ терингни шиламан! Эшиттийми, отангни гапини!

– Хоп ота! Қизга қараган кўзларим ўйилиб тушсин! – деб қасам ичвордим.

– Ҳа, аканг қарағайди ўғли. Ана энди манга ўхшадинг, ярамас! – атай эркалатиб жеркди отам. Тасаввур қиламан, отам оддий деҳқон одам, қишлоқда қандайин керилиб юрганини. Ўзи у киши шунақа одам. Бироз ҳовлиқмароқ. Маош олган куни қадди эгилмай қолади. Гапирганда ҳам бошини азот кўтариб қирғий қараш қилиб гапирди. Хотинларга майна бўлади. Бутун қишлоқда гапдир, менинг ўқишга кирганим: Эшиттийлами, Маматқул аканинг кенжаси унвирситга кирибди! Вой-баёв! Отам чойхона-пойхонага кириб қолса борми, ҳамма гурра туриб, отам билан қўш-қўллаб кўришади, «тўрга ўтинг» қилишади.

– Қайси ўқишга кирибди? – сўрашади ундан.

– Халқ унвирситига! – кеккайиб дейди отам, кўзлари қисилиб кетади.

– Иби... шунақаям ўқиш бораканми, Маматқул ака? – бош қашлайди бригадир.

– Э, агроном бўп чиқадими?– сўрайди ундан Мансур тракторчи. Отам юзига ақлли тус бериб кулади.

– Э, ўқимаган, дуп, – дейди сир бермаслик учун. – Ҳамма нарсани биладигани бор-ку, инжинир, шунақа бўп чиқади. Агрономам, инжинирам ўзи...

– Ие, энди шунақаси чиқибдими? Мана Шодивойди ўғли ўқиганди, у фақат агроном бўлган.

– Ҳозир ўқишларам шунақа бўп кетган. Ҳамма нарсани биловради, тушундинг! – дейди отам атрофдаги «оми»ларга уқтирмоқчи бўлиб. Охири сўроқ-саволлардан тоқати тоқ бўлиб, жизиллаб беради.

– Ҳа, намунча ижиклайсан. Ичларинг куйяптими? – ҳамма жим бўлиб қолади. Кимдир оғзини беркитиб пиқиллаб кулади. Аммо одамнинг оласи ичида деганларидай, қитмирларам топилади.

– Бу Халқ унивирсити деганингиз, мардикор бўп чиқмасин, яна! – писиллатади кимдир. Отам дастурхондаги туршакни олиб, отишга шай, ўша томонга ола қарайди.

– Ҳе, нафасингни ел олсин, бетамиз! – туршакни тарақлатиб отади отам. – Агар яна шунақа гап эшитсам, кекирдагингни узволаман. Мабодо айтганинг тўғри чиқса, ўғилдикини суғураман. Гапим гап!– отам юзини чирт буради-ю тупуради. Кўзи қисилгудай қовоғи уюлади. Онамчи, онам бисотида умр бўйи таққан биттагина тилла балдоғини тақиб, ясан – тусан қилиб меҳмон кутади. Хотинлар аям билан қучоқлашиб кўришишган, тугун – терсак бадастир, дастурхонни чиройли безатиб ўтиришади.

– Сирожингиз зап ўқишга кирибдими, а? Ўзиям суқсурдай йигит. Қараганни кўзи ўйнайди. Унга айтинг Пошшапа, исириқ ютиб юрсин!

– Бу Наргизангиз ҳам бу йил духтирликка кирди. Ойпарчадай қиз бўлган! – ишшаяди Сожида хола.

– Духтур яхшику-я, – дейди ён қўшнимиз Фотима

ая. – Дори ҳиди келгани ёмон. Уйидан ҳам аптини иси келади. Қиз болага ўқиш шартми, уй юмушини билса бўлди-да! Мана Гулнорам, уйда ўтириб пул топаяпти. Ҳамма юмуш шунга. Ишдан ортиб, қўни-қўшнига кўйлак тикипти. Пошшахон, бир чиқинг, сизгаям кўйлак тикиб беради.

– Вой-ей, – бурнини жийиради Сожида хола. – Бир ёмон одатингиз бор-а, опа! Гапди шартга бўлиб, орага суқуласиз. Ўқиган йигит ўқиган қиз олади, ҳайми?! Алифни калтей билмайдиган қизийзни тиқиштирасиз, нуқул. Ёшларнинг ҳам гапи-гапига тўғри келса яшаб кетади-да, опа!

– Ҳа, шунақами ҳали!? Биззи қиз Алифни калтак билмасмиши? Унда эгнингиздаги кўйлакни ким тиккан?! Билган билади, мани қизим қоғозга ўралган қантдай...

– Ие, бу билан нима демоқчисиз? – Сожида аянинг ростакам жаҳли чиқади. – Нимага шаъма қиялпсиз? Сизники қоғозга ўралгану бизники «очиқ-сочиқми»?

Боядан бери жимгина ўтирган Карима буви гапга аралашади.

– Уят-э, кап-катта хотинлар. Тешик мунчоқ ерда қолмайди. Фақат... Пошшахон ўғилди тезроқ уйлаб қўйинг, Маматқулга қулоқ солманг. Шаҳарлик қизлар ёмон бўлармиш. Биттаси шартга илиб кетмасин. Сирождай пўрим йигитни қизлар қўярмиди, вей! Шаттаям, бир галаси кетидан юрарди кўз ёши қилиб...

Хотинлар қийқириб кулишади. Фақат онамнинг жаҳли чиқади.

– Ўлдириб қўя қоламан, бунақа ўғилни! Сирож сўз бериб кетган: она, келишимга қиз танлаб қўйинг, деган. Омма отаси унамаяпти. Болам боёқиш, қўчқорди сўйманг, тўйга асранг деса, бир сўкиб ташлади. «Хотинди ўйлама ярамас» деди. Келса, уйлантириб қўяман, барибир! – онамнинг тилла балдоғи ярақлаб кетади. Ялтиллаб аёлларнинг кўзларини ҳам ёриштириб юборади. Онамга

яна чойми, қандми тиқиштира бошлашади. Онам бўлса, тилла балдоғини селкилладиб, ҳеч кимга гап бермай ўтиради. Иложи бўлса ҳаммасининг қизини келин қилса! Шунақа бўлса, ёмон бўлмасди, деб қўяман мен ҳам. Нима қилай, қиз кўп, мен эса, яъни Сирож, ҳиндчасига Сураж – биттаман! Чиндан ҳам кетворган йигитманда, ўзимам. Қилич қошлар шарақлаб бирлашган, киприкларим қошимга тегиб туради. Қирра бурун, кумушранг ёноқларим йўниб ишлангандай, пўрсилдоқ лаблар... умуман, туф-туф кўз тегмасин-э! Кўчада юрсам, қиз шўрликларнинг бўйни қийшайиб қолади. Фақат уларни «свидани»га таклиф қилолмайман. Отаман этган! Яна ҳам аниқроғи, пулим йўқ-да! Манави каслар эса қани энди зиғирча ҳурмат қилса?! Баъзида мановларнинг «без»лиги нафсониятимга тегади. Шунда ўзим магнитдай ёпишиб қолган кароватимдан туриб, ўзимни намойиш қиламан. – Биз ҳам энди табиат асаримиз! – дейман. Чувакдай қўлларимни полвонлардай эгиб кўрсатиб. Илвилдоқ мушакларимни дўлайтираман. Билакларим кичкина сичқончадай шишиб чиқади. Буни кўриб хонадошларим ётиб кулишади. Адҳам дев мени битта қўли билан тутиб, даст кўтаради-ю, чийқилдоқ кароватимга отади. Улар яна қарсиллаб кулишади. Бу омиларнинг устидан менам куламан. Улар бўлса мени ўзининг устидан куляпти, деб ўйлаб яна ҳам баттарроқ қотишади. Шу-да омилиги, мен аҳмоқманми, ўзимнинг устимдан кулиб.

– Ҳаа, – дейди Ботир бақалоқ чўзиб, кароватим тепасига келиб елкамга меҳр билан қоқиб қўяркан.

– Сан сўлкавой боласан. Музейга топширардигу аммо, кўргазма тахтасига сиғмайсан-да! Эндии, оғайничалиш, Ҳасанбой тарафда битта лой иш бор. Пахса урилади. Бизга шу лойни шундоқ тепага отиб берадиган полвон керак. Балки борарсиз, хўжа бола... Пули ҳам нахд, – кўзларини менга лўқ қилади у.

Юзимни манов бефаросатнинг назаридан тўсиб оламан. «Вой жоним-эй!» инқиллайман жўрттага.

– Ранг кўр, ҳол сўр, дейишган, – ётган жойимдан бақираман мен. – Ғалати бўп кетяпман. Лой тугул, туриб чой ичолсам гўрга-я!

– Неча ойдан бери сени боқамиз, хўжа бола. Безбетлик ҳам эви билан-да, ука. Болам-чақам қолиб, сен сўқимни боқиб ётибман, – дейди Ботир. – Бугун агар ишга чиқмасанг, очдан ўласан. Ишламаган тишламийди, билдингми?

Энди ёстиқни қучоқлаб, янаям ўрнашиб ётиб оламан.

– Хира пашшадай гўнғилламай, эй пишт! Уйқуниям ҳаром қилдинг, сан дундук. Намунча, боққанингни пеш қиловрасан. Нима, ош қиберяпсанми, қўй сўйяпсанми? Уят-э, шилдир шўрвангни гапираверма! Биздаям қолиб кетмас...

Ҳаммаси ишга кетди. Ана тураман, мана тураман қилиб, яна пинакка кетибман-да! Бир пайт уйғонсам телевизор шўрлик, «вайсаб» ётибди-да! Қуёш тиккага келган. Баттарам ўчакишяпти, мен билан. Қорин қулдираяптики, «қурр, қиғов» деб қўядими-ей... Шу қориннинг овози ўчсин, деб ўрнимдан туриб, бирон егулик излаган бўлдим. Анов зиқналар ҳеч бало қолдирмапти. Битта қанд, бир бурда нон қопти. Буни кўриб жаҳлим чиқди.

– Илоё, тешиб чиқсин! – ўйладим зарилхона томон йўналарканман. – Овқат емай, заҳар еларинг. Ичбуруғ бўлларинг! – шундай дедиму ҳожатнинг эшигини очиб, ичкари кирдим. Ишқилиб, хуллас ичкарида ўтирганча қарғанаётсам, кўча эшик тарақлаб очилди-ю, биров чопиб ҳовлига кирди. Уй қолиб, ҳожатхонанинг эшигига осилса бўладими?!

– Ҳой, секинроқ, эшик синади! Мен борман, – дедим.

– Шунча пайтгача кирмай нима қиб ўтиргандинг! Бўл тез, чиқ, қорним бураб кетяпти, – овозидан танидим. Ботир ярим йўлдан қайтиб кептими?



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2451> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2451> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/2451>